

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА РУС ТИЛЛАРИДА “ЯШИЛ” КОНЦЕПТИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ

Собирова Башорат Баходировна

Гулистон давлат университети катта ўқитувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7166018>

Аннотация. Мақолада ўзбек ва рус тилларида яшил ранг концептининг ишлатилиши, унинг маъноси, ўзбек ва рус халқи менталитетида хослиги ва таъсири ёритиб берилган.

Калит сўзлар: лингвомаданий тавсиф, ранг ифодаланиши, лексик маъно, рамзий, ранг семантикаси, ранг коцептлари, концептуал белгилар.

СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ КОНЦЕПТА «ЗЕЛЕНый» В УЗБЕКСКОМ И РУССКОМ ЯЗЫКАХ

Аннотация. В данной статье рассматривается концепт зеленого цвета в узбекском и русском языках, показаны их значимость и влияние на менталитет узбекского и русского народов. Рассматривается место каждого элемента цветовой палитры, являющейся выражением нравственно-этических ценностей и мировоззренческих установок.

Ключевые слова: лингвокультурологическое описание, цветообозначение, лексическое значение, символика, цветовая семантика, концепты цвета, концептуальные признаки.

A COMPARATIVE STUDY OF THE CONCEPT OF "GREEN" IN UZBEK AND RUSSIAN LANGUAGES

Abstract. This article examines the concept of green in the Uzbek and Russian languages, shows their significance and influence on the mentality of the Uzbek and Russian peoples. The place of each element of the color palette, which is an expression of moral and ethical values and ideological attitudes, is considered.

Keywords: linguoculturological description, color designation, lexical meaning, symbolism, color semantics, color concepts, conceptual features.

КИРИШ

Ўзбек тилида яшил концептининг таҳлил қилишдан аввал *яшил* лексемасининг этимологиясига эътибор қаратиш лозим. Маълумки, туркий халқларда дастлаб *яшил* ранги кўк сўзи билан атаб келинган. Кўк сўзи яшил ранг учун ҳам, кўк ранг учун ҳам қўлланган. Бу ҳақида М.Миртожиев шундай фикр билдиради: «Лексик маъно кенгайиши ва торайиши айрим ҳолларда синекдоха билан тенглаштириб қўйилади. Чунончи, бу ходисаларнинг маълум даража алоқадорлик томонлари ҳам бор. [1, 102]. Буни кўпроқ лексик маъно торайишида кузатилади. Масалан, сифат туркумига оид кўк сўзидаги маъно тараққиётида кўриш мумкин. Бу сўз дастлаб гунафша, яшил, баргикарам, мовий каби рангларни умумий ифодалаган. Ёзма ёдгорликлар шуни кўрсатади [1, 117]. Ранг номларини бундай умумий аташ кейинчалик талабга жавоб бера олмай қолди. Шундан кейин кўк деб аталувчи номлар иккига бўлинди ва кўк ҳамда *яшил* номлари билан атала бошланди. Ҳозирги вақтга келиб бу ранг номлари ёнига *гунафша*, *баргикарам*, *мовий* каби номлар қўшилди. Кўк сўзи ҳозир фақат тўқ хаворанғни ифодаловчи лексик маъно билан қолди. Шу билан бирга кўк сўзининг қадимги кенг лексик маъноси ҳам сақланган бўлиб,

у, дифференциация қилиш зарурияти туғилмаса, умумлаштирувчи ном сифатида қўлланаверади. Яъни кўк сўзи ҳисобида икки лексик маъно: биринчиси бир неча ранг учун умумий ва иккинчиси унинг маълум қисми бўлган рангни ифодаловчи лексик маънога эгадир».[2,117].

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Яшил сўзи (Yaşıl/yäşil) аввал ясама бўлган ва у “ёш, навқирон” деган маънони англатган “yash” сўзига -ил (-il) қўшимчасини қўшиш орқали yasalgan. Ёш сўзи дастлаб барра, ёш ўтларга нисбатан қўлланган бўлиб, кейинчалик унинг маъно тараққиётида яна бошқа маънолар (ёш – возраст, ёш – кўз ёши), сўзлар (яшамок, яшнамоқ, ёшармоқ) шаклланган.

Француз олими Луи Базеннинг “Концепция возраста у древних тюркских народов” яъни қадимги туркий халқларда вақт концепцияси” номли мақоласи 1986 йилда “Зарубежная тюркология” журналида эълон қилинган. Ушбу мақолада хитойда 557-581 йилларда хукм сурган “Чу династиясининг солномаси” дан қуйидаги парча келтирилади: “Улар (яъни Мўғулистон ҳудудидаги туркий халқлар йиллар алмашинувини ва вақтнинг сарҳисобини яшил бўлган ўтлар орқали аниқлашарди”. Маълум бўладики, бу даврда туркий халқлар, аниқроғи Мўғулистон ҳудудидаги туркий халқлар *яш* сўзи билан барра ўтларни номлашган. Кейинчилик ўтлар кўм-кўк бўлган вақтни йил сарҳисоби учун қўллашган, яъни ушбу вақтни ва унинг яна қайтирилишигача бўлган муддатни ҳам *яш* деб номлашган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Яшил ўт учун қўлланган *яш* сўзи ўтнинг рангига боғлиқ ҳолда *яшил* (ранг) сўзининг шаклланишига асос бўлган бўлса, ўтнинг серсувлиги асосида кўзнинг суви маъносидаги *ёш* ва вақт маъносини берувчи *ёш* каби иккита йўналишда маъно тараққий этган. Бу *ёш* сўзи чуваш тилидан бошқа кўплаб туркий тилларда ҳар хил фонетик ўзгаришлар билан мавжуд. Масалан, қирғиз ва олтой тилида *жаш* дейилади. Бугунги кунда ёш сўзининг кўз ёшидаги ва инсон ёшидаги маънолар тараққиёти омонимиягача етиб борган: *ёш она, кўз ёши* каби. Яшамок феълининг ўзаги ҳам *яш* билан боғлиқ эканлиги яшил рангнинг туркий халқларда ҳаёт, тирикликни ифодаловчи рамзий маъно ифодалаш билан боғлаш мумкин. Демак, *яшил* сўзи барра ўтлар ранги асосида яратилган.

Рус тилидаги “зеленый” сўзининг этимологияси “Рус тилининг этимологик луғатида шундай берилади:

“зеленый

Латышское – zelt (становиться зеленым).

Немецкое – gelb (желтый).

Древнерусское – зель (зелень, озимь).

Древнепрусское – saligan (зеленый).

Слово образовалось на базе общеславянского zelenъ и является родственным прилагательному «желтый». В древнерусском языке основа слова использовалась с XI в. в значении «незрелый виноград». В настоящее время употребляется для обозначения цвета”. [3,117].

Ўзбек тилида яшил концепти қуйидаги маъноларни англатади:

1. Сарик билан кўк ранг ўрталигидаги, барг ёки майса рангига эга бўлган рангни. *Яшил баргли ўсимликлар. Яшил парда. Яшил бўёқ.*

2. Яшил рангли ёш майсалар ва ўсимликлар билан қопланган. *Яшил водий. Яшил дала. Яшил қирлар.*
3. Тириклик. Рамзий маъно. *Яшил ишқ.*
4. Ҳаракатланишдаги эркинликни, тўсиқсизликни билдиради: *яшил йўлак* (атама)
Рус тилида эса *яшил* сўзининг таржимаси саналган “зелёный” концепти ўзбек тилига нисбатан кўроқ маъноларни ўзида мужассамлаштирган.
 1. Майса ёки барг рангини: *зелёная краска, зелёная трава*
 2. Ўсимликлар билан қопланган, ўсимликдан иборат: *зеленая зона*
 3. Эгологик тоза: *зеленая технология*
 4. Экологик ҳаракат, экологик партия ва унинг аъзолари, фаоллари: *Российская экологическая зелёная партия.*
 5. Ҳали пишиб етилмаган мева, сабзавотларга нисбатан қўлланади: *зеленый виноград*
 6. Тажрибасиз, хўр. Ёшларга нисбатан қўлланади: *зеленый юнец.*
 7. Чойнинг турини: *зелёный чай*
 8. Инсон юзининг оқарган, қон қочган тусини: *позеленеть от злости*
 9. Ҳаракатлаги тўсиқсизликни. Бунда йлчирокдаги юришга рухсат берувчи чирокнинг ранги белгиловчи аҳамият касб этган: *зелёная дорога, зелёная улица, зеленый коридор*

МУҲОКАМА

Ҳар икки тилдаги мазкур концепт ифодалаётган маъноларни таҳлил қилар эканмиз, биринчи маъно айнандир. Ўзбек ва рус тилида ҳам у майса ёки барг тусидаги рангни номлайди.

Ўсимлик оламига мансублик ҳам икки тилда ҳам мавжуд. Лекин айнан эмас. Ўзбек тилида “ўсимлик билан қопланганлик” маъноси устунлик қилади: *яшил тоғлар, яшил водий, яшил тепа каби.* Рус тилида эса бу маъно анча кенгдир. У умуман ўсимлик оламига дахлдорлик ёки ўсимликдан тайёрланганлик маъноларини беради. Мисол учун: *К зеленым кормам относятся травы естественных сенокосов и пастбищ, посевные культуры.*

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек тилида ҳам сўнгги йилларда яшил маъносининг “яшил ҳудуд”, “яшил олам”, “яшил сайёра” каби янги боғланишлари орқали умуман ўсимлик дунёсига боғлиқлик маъноси шаклланмоқда. Лекин рус тилидаги “ўсимликдан тайёрланган” маъноси ўзбек тилида мавжуд эмас. Масалан, *зеленый корм* сўз бирикмасини *яшил озуқа* тарзида таржима қилиб бўлмайди.

Рус тилида йўлчирокдаги яшил чирок асосида ҳам концептуал маъноларшаклланган. Масалан, *зелёная улица* бирикмаси кўчада ҳаракатланишда тўсиқ бўлмаган (тиқин бўлмаган ёки светофор чироғи яшил бўлиб турган) ҳолатни билдиради. Ушбу маъно кўчма маънода умуман тўсиқсизликни бидиради. Масалан, *зелёная дорога* бирикмаси ҳар қандай фаолият учун тўсиқсизлик ҳолатини билдиради. Ўзбек тилида *яшил* концепти замирида бу каби маъно мавжуд эмас эди. Лекин сўнгги пайтларда ушбу маъно ҳам рус тили таъсири остида шаклланди. Масалан, *яшил йўлак, яшил коридор, яшил ҳудуд.* Бугунги кунда *яшил йўлак* атамаси дипломатия, божхона, йўловчи ташиш хизматларида фаол қўлланиб келмоқда.

Оғзаки нутқда ҳам “ҳамма нарса мумкин бўлган, муаяйн нарсага ҳеч қайдай тўсиқларсиз эришаётганларга нисбатан “яшил чирок” бирикмаси қўллана бошлади. Бу маънода салбий оттенка мавжуд бўлиб, одатда мансабни суиистеъмол қилиш жараёнларига нисбатан қўлланади: “*Яшил йўлка*” ҳамма нарсага “*яшил чирок*” [4, 2стр]

дегани эмас .(Халқ сўзи, 2018. 25 июнь).Бизнингча, яшил концептининг бу каби маъно ифодалашини рус тилининг таъсирида содир бўлган. Зеро, ўзбек тилида яшил концепти ҳеч қачон салбий маъно англатмаган. Туркийларда, жумладан, ўзбекларда яшил ва яшиллик табиат, ҳаёт, тириклик мазмунини англатган.

Юқоридаги маъноларга эътибор қилинса, рус тилидаги “зелеёный” концепти ифодалаган маъноларнинг айримлари ўзбек тилида кўк лексемаси орқали ифодаланади. Масалан, “зелеёный” сўзи инсон юзининг ноодатий рангига нисбатан ишлатилса, худди шу ҳолат ўзбек тилида кўк лексемаси орқали ифодаланади: *ранги кўкариб кетди ёки кўкимтир юз* каби. Бу ўринда мулоҳаза қилиш керакки, кўк лексемасининг юқорида айтилганидек, яшил ранг учун ҳам ишлатилиши кузатилмоқдами ёки инсон юзи териси ростдан ҳам кўкка мойил бўладими? Агар ҳақиқатдан ҳам у кўкка мойил бўлса, нега рус тили эгалари ушбу рангни **зелёный** сўзи билан номламоқда. Икки миллат эгалари дунёни ўз ранг бўёқлари билан кўрмоқдами?

Бизнингча, инсон рангининг яшиллашиб кетиши унчалик тўғри эмас. Буни рус тилининг изоҳли луғатларида шу маънонинг изоҳи ҳам таъкидлайди. *болезненно бледный с землистым оттенком (о цвете лица, кожи человека. Прокурор же показался мне, да и не мне, а всем, очень уж как-то бледным, почти с зелёным лицом. Ф. М. Достоевский, «Братья Карамазовы» [3,104].* Тиббий атамашуносликда ҳам инсон юзи тусига нисбатан “цианоз, агроцианоз” каби терминлар мавжуд. Унда инсон териси кулранг- кўкимтирдан қорамтир кўккача рангга бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, рус тилидаги “зелёное лицо” бирикмаси яшил тусли юзни эмас, ранги ўчган, оқарган, кулранглашган, кўкимтирга мойил ҳолатни ифодалайди. Демак, зелёный сўзи юз рангига нисбатан инсоннинг доимий юз рангининг асабийлашганда озроқ ўзгаришининомлайди.

Рус тилида чойга нисбатан *зелёный* сўзи ишлатилса, ўзбекларда кўк сўзи қўлланади. Бу ўринда, ҳеч шубҳасиз, номинация яшил рангининг кўк сўзи орқали ифодаланиши билан боғлиқ. Зеро, яшил баргдан тайёрланган чойнинг ранги кўк эмас, яшилдир.

Ўзбек ва рус тилларидаги яшил ва “зелёный” сўзлари замиридаги концептлар бевосита ёки билвосита мазкур сўзнинг этимологияси билан боғлиқ эканлигини сезиш мумкин. Масалан, рус тилида *зелёный* сўзи дастлаб пишмаган узумга нисбатан қўлланган. Бунинг натижасида рус тилида хом, пишмаган мева, сабзавотларга нисбатан *зелёный* сўзи ишлатилади: *зелёный помидор*. Ушбу маънонинг кўчма маънога айланиши натижасида эса “ғўр, тажрибасиз” семемаси ҳам шалланган: *Я не зелёный юнец, я не вчера на свет родился.*

Ўзбек тилида бундай концепт мавжуд. Лекин у ранг билан ассоцияланмаган. Балки, “ғўр” сўзи билан ифодаланади: *Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.*

Ўзбек тилида яшил концепти рамзий маъноларни ҳам ўзида қамрайди. Яшил ранг азалдан табиат билан, тириклик билан боғлиқ бўлганлиги учун у “тириклик, яшаш” каби рамзий маноларни мужассамлаштиради. Масалан, қуйидаги шеърининг парчага эътибор қаратсак, унда яшил лексемаси тириклик, ҳаёт каби рамзий маъноларни ифодаламоқда:

*Men yashil ishq kutgandim sizdan,
Hayrendisariqyaprog'im!*

O'lganimda sariq gullarmas,

Qizil gullar keltiring menga(Г.Асқарова)

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш керакки, яшил ва зелёный концепти умуминсоний қарашлар билан айнанликка ва миллий ассоциациялар орқали ўзига хосликка эга. Ҳар икки тилда ҳам бир хил рангни, майса, ўт рангини номлаши айнандир. Ўзбек тилида *яшил* лексемасининг шаклланиши майса ранги билан боғлиқ бўлиб, унда табиат, тириклик рамзий маънолари мавжуд. Шу туфайли бу концептда салбий коннотациялар деярли учрамайди. Кўплаб туркий тиллар қатори ўзбек тилида яшил рангини *кўк* сўзи билан номланиши яшил концептини рус тилидан бироз ҳажман кичикроқ бўлиши ва рус тилида зелёный концептида мавжуд айрим маъноларнинг тилимизда кўк концептига ўтганлиги аниқланди. Рус тилида эса зелёный сўзининг этимологияси пишмаган юю билан боғлиқлиги мазкур концептни “пишмаган” семага эга маънолар билан бойитган.

REFERENCES

1. Алиқулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке. 1975.- 17-б.
2. Кошғарий М. Девону луғотит турк. III т. 1960-1963. – 41-б.
3. М.Миртожиев. Семасиология. –Тошкент, 2010. 104-б.
4. “Халқ сўзи” газетаси, 2018. 25 июнь.